

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Расулова Гулбаҳор Керимбаевна,
Тошкент Амалий фанлар университети доценти

Аннотация: мақолада адабий таълимни ривожлантириши масаласи, хусусан, ўқув топшириқларини такомиллаштириши, адабиёт ўқитишида савол ва топшириқлари мазмунини таҳлилий ўрганиши, асар моҳиятини очиб берувчи ўқув топшириқлар ишлаб чиқишининг илмий-методик асосларини яратиш, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонларини кўриб чиқиши бўйича муҳим тавсиялар, хуносалар баён қилинган.

Калим сўзлар: адабий таълим, таълим мазмуни, асар моҳияти, бадиий асар таҳлили, ўқув топшириқлари, савол, топшириқ, уй вазифаси, билим, кўнгумка ва малакалар

Адабиёт ўқитиши методикасида кейинги йилларда бир қатор инновцион ёндашув, педагогик технологиялар қўлланиб келинади. Аммо бу борада ҳали жиддий ўзгариш кўзга ташланмайди, яъни ўқувчилар бадиий асарлар мазмунига тўла кира олгани йўқ. Ҳатто айрим ўқитувчилар ҳам ўзи ўқитаётган бадиий асар моҳияти, ёзувчининг асарни ёзишдан мақсади нима эканлиги билмайди. Адабий таълимдаги муҳим муаммолар қаторида ўқув топшириқларини такомиллаштириш масаласи ҳам туради. Бу борада педагогик нуқтаи назарда мамлакатимиз олимлари илмий изланишлар олиб борган, бироқ методик жиҳатлари ҳали тўла ишланмаган. Шу ўринда, Ҳ.Суюнов нинг адабиёт ўқитища савол ва топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усулларига доир тадқиқоти адабий таълимда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз, аммо мазкур тадқиқотга ҳам сал кам йигирма йил бўляпти. Замонавий талаблар асосида адабиёт ўқитиши методикасини такомиллаштириш, прагматик ўқув топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Педагог олим Э. Давронов ўз мақоласида психологияк ва дидактика нуқтаи-назаридан “топшириқ” тушунчасининг моҳияти очиб берган, она тили ва адабиёт дарсларига нисбатан машқ ва топшириқнинг вазифалари ҳақида ҳам қисман тўхталган. Олим топшириққа ҳам мақсад, ҳам восита сифатида қарайди. Дидактик назарияда “топшириқ”, “тарбиявий топшириқ”, “интеллектуал”, “муаммо” атамалари билан, “машқ” “мустакил иш” атамалари билан бирга қўлланилади. А.Н.Леонтиев топшириқ тушунчасини қуйидагича тушунади: “Топшириқ – муайян шартларга асосланиб қўйилган мақсаддир”. У топшириқнинг ўзига хос хусусиятларини таърифлаш учун “эҳтиёж”, “мотив” ва “фаолият” атамаларидан фойдаланади. Й.А.Пономарев топшириқлар назариясида бир қатор тоифаларни яратди, хусусан, ўқув вазиятида субъект ва обьектнинг ўзаро таъсирини, билимларни ўзлаштириш, уларни такомиллаштириш бўйича субъектнинг фаолиятини аниқлайди. О.Розиков эса ўқув топшириқларини илмий-педагогик тадқиқотда ўқув материали билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Унинг фикрига кўра, “ўқув топшириғи ўқув мақсадларига боғлиқ бўлган ўқув материалининг ўзгартирилган шаклидир”.

Шу ўринда ўқитиши эҳтиёжлари асосида қуйидаги хусусиятлар таъкидланади: 1) қуриш (структуралаш) имконияти; 2) структурани қуриш ва қайта кўриб чиқиш; 3) ўқув материали шаклиниң мавжудлиги; 4) ўқув жараёни босқичларининг мутаносиблиги; 5) бир вазифани бошқаларга алмаштириш имконияти; 6) очиқ тизим; 7) бир-бирини тўлдириш; 8) билимларни ўрганиш ва такомиллаштириш усулларининг талабларга мослиги; 9) ўқитиши ва ўрганишга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун шароит яратиш . Олим яна “Топшириқлар инсоният томонидан тўплланган тажрибани акс эттиради ва шу билан бирга моддий ва маънавий қадриятларни янгилаш ва уларни янада бойитиш воситасига айланади” , деб таъкидлайди.

Шу ўринда методист-олим Ф.Хамроевнинг ўқув топшириқларини вазифа ва мазмuni жиҳатидан фарқлаш ва таснифлаш назарияси ҳақида алоҳида тўхталиш лозим . Мазкур тадқиқот она тили таълимида ўқув топшириқлари ишлаб чиқишиша доир бўлса-да бугун тобора интеграциялашиб бораётган таълим тизимида қуий синфлардан бошлаб она тили ва адабиёт фанларини қўшиб ўқитиши амалиёти кечеётган бир пайтда мазкур тадқиқот адабиёт ўқитиши методикаси учун ҳам аҳамиятлидир.

“Адабиёт чин маъноси или ўлган, сўнган, ўчган ярадор кўнгилга рух бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон, чанг ва ту-проқлар тўлган кўзларимизни артиб тозалайдурғон булоқ суви” . Мазкур сифатлаш ва ўҳшатишлар фақат адабиётга хос образли ифодалаш хусусиятларига ҳам тааллуклидир. Адабиёт тимсоллар воситасида қачонлардир бўлиб ўтган ва содир бўлажак воқеа-ходисаларга бадиий тус бериш, ҳаётнинг инъикосини турфа ранг ва чизгиларда жонлантиришга хизмат қилади. Шу орқали ҳиссий таъсир кўрсатиш ва билим бериш имкониятларини ўзида мужассам этади.

Адабиётни маданиятнинг асосий соҳаларидан бири сифатида баҳолар экан методист олим С. Долимов бунда асосий жиҳат ҳалқнинг тарихий тараққиёти, ўзига хослигини бадиий образларда ифодалаш хусусияти эканлигини қайд этади: “Адабиёт биринчи навбатда одамларни ва уларнинг ҳаётини тасвирлайди, бу тасвир эса тарихий ҳақиқат ва тарихий воқеалар билан узвий боғланади”. Демак, тарбияланувчиларда адабий билимларни шакллантириш жараёни орқали инсон, унинг мураккаб ички дунёси ва руҳиятини чукурроқ тадқиқ этиш, атроф-оламни билишларига кенг йўл очилади.

Адабиёт ўқитиши методикасига ҳам савол ва топшириклар билан бирга машқ ўқув тоаширигини ҳам киритиш яхши самара беради.

Шу ўринда “машқ” ва “топшириқ” атамаларини моҳиятган фарқлаш масаласида методист М.Сайдовнинг ёндашувига ҳам эътибор қаратиш лозим. Олим ўқув материаллари сирасида ўқув топширикларини уч турга бўлиб, уларни ўзаро фарқлайди ва, кўпинча, ўқитувчилар ўз иш фаолиятлари давомида “машқ”, “топшириқ” ва “масала” тушунчаларини қоришиларини таъкидлайди. Олим педагогика фанлари доктори А.Гуломовнинг “машқ ҳам ўқув топширигининг бир шакли, ҳам ўқитишининг муайян бир усули,” деган фикрига кўшилади ва топшириқ машқнинг бир бўлраги, у, асосан, машқнинг шартида ўз ифодасини топишини, топшириқ машққа қараганда торроқ тушунчани ифодалашини эътироф этади.

Маълумки, тил дарслекларида, асосан, “машқ”, “савол” ва “топшириқ” атамалари табиий ва аниқ фанларда масала атамаси қўлланилади. Уларнинг барчаси ўқув топшириклари сирасига кирувчи иш тури бўлиб, мазкур атама айрим тадқиқотларда ўқув-билив топшириклари деб ҳам талқин қилинади.

Юқорида таъкидлаганимиз каби тил таълим мининг асосий мақсад вазифаси ўқув топширикларининг мазмун-моҳияти ва вазифавий фарқланишидан келиб чиқади. Шу боис тадқиқот ишимизда “машқ”, “савол”, “топшириқ” атамалари мазмунни ва қўлланиши жиҳатидан алоҳида тўхталиб ўтишни маъқул топдик. Бизнингча, бу ўринда энг кенг қамровлиси “топшириқ” бўлиб, дарслек ва қўлланмаларда у савол ва машқни ўз ичига олади.

Миллий қадриятлар, жумладан, асар мазмунини мукаммал билмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитиши методикасида нимани, қандай ўқитиши масаласи антик даврдан то бугунги кунга қадар муаммо бўлиб келган. Бу табиий ҳол, албатта, тараққиёт методикага боғлиқ бўлганлиги боис, замон ўз талабини қўяди, методика мазкур буюртмани бажаради. Шунинг учун ҳам нимани қандай ўқитиши масаласи доимий долзарблликка эгадир. Бу борада ўқув топшириклари масаласининг “Адабиёт” дарслеклари мазмунида берилиши, уларда ўқув топширикларининг вазифа жиҳатидан фарқланиши, ўқув топширикларига муносабат таҳлилий ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги адабиёт таълимида фаннинг асосий ўқув материали – назарий маълумотлар, бадиий асар, муаллиф ва унинг ижоди ҳақида маълумот ва уларни ўзлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш учун берилган ўқув топшириклар ҳисобланади. Аслида бу эскича ёндашув бўлиб, бугунги замонавий таълим – матн устида ишлашга асосланиши керак.

Адабиёт ўқитиша тарбиянинг негизи бўлмиш ўзликни англаш масаласи борлиги ҳам шунчаки тасодифий эмас. Методист С. Матчонов аждодларимиз асрлар давомида интилиб келган маънавий етукликни ўзликни англаш жараёни билан ёнма-ён кўяр экан, бу борада адабий таълим мининг ўрнини мустаҳкамлайди. Ўз-ўзини англаш бошқаларни англашга, шу орқали дунёни ва унинг сир-синоатларини тушунишга йўл очишини қайд этади. Профессор Қ. Йўлдошевнинг қарашларида ҳам юқоридағи фикрларга ҳамоҳанглик кузатилади. Олим айнан адабиётгина ҳар қандай одам учун ўзини таниш воситаси эканлиги, ўзини таниш эса, ўзгани тушунишдан бошланиши, ўзгани тушуниш машқи бадиий асарлардаги қаҳрамонларни ҳис этишдан ибтидо олишига эътиборини қаратади .

“Инсон ёшлигидан ўзлигини билса, – дейди профессор А. Чориев, – аввало, ўз қудратини ишга солади ва қолаверса, ташқи ғаразли таъсирлардан сакланишга тайёрланади. Аммо бугунги кунда инсоншунослик фанлари ва санъат, жумладан, адабиёт ўртасидаги ана шу ўзаро таъсир етарли эмас. Бадиий адабиёт, адабиётшуносликда ҳам инсонпарварлик йўналишидан кўра адабий танқид устун туради. Зоро, педагогика билан бадиий адабиётдаги умумийлик банди ҳам инсоншунослиқдир”. Дарҳақиқат, бадиий адабиётнинг тасвир объектида, асосан, инсонга хос мураккаб ички кечинмалар етакчи ўринда тургани боис унда ҳис-туйғуларга таъсир кўрсатиш имконияти катта. Шу жиҳатдан шахс камолоти масаласи, асосан, бадиий адабиёт ва уни ўқитиши билан боғлиқ фанлар мазмунида ўз ифодасини топиши бежиз эмас.

Н. Убайдуллаев тўғри таъкидлаганидек, амалдаги дарслекларда берилган материаллар бир тусда, рақам ва саналардан иборат тарзда берилиши натижасида ўқувчиларни қизиқтирилади, ижодкорлар шахсияти ҳаётий қилиб берилимагани сабаб болалар уларга ўрнак бўладиган сиймолар сифатида қарай олмайди .

Ўқувчини юқори савияда тайёрлаш назарий билимларни ўзлаштириш, бадиий асарни таҳлил ва

талқин қилиш амалиётида улар билан ишлаш кўнималарини шакллантириш, муаллиф ва бадиий асарни тушуниш қобилиятини ўз ичига олиши керак. Бу борада профессор К.Йўлдошев ўринли қайд этганидек, “Эндиликда адабиёт назарияси бўйича бериладиган билимлар ҳам ўқувчилар тафаккурини синаш ва уни қийнаш воситаси эмас, балки бадиий асарни ўқиш ва таҳлил этишга кўмак берадиган маълумотлар тарзида қараладиган бўлди”.

Ўқув жараёнини фанлараро алоқадорликдан фойдаланиб ташкил этишда тадқиқотчи Г.Карлибаева томонидан учта муҳим босқич алоҳида ажратиб кўрсатилади. Шартли равища ёдга солувчи деб номланувчи илк босқичда ўқувчиларга табиий-илмий фанлардан олган билимларини қўллаш ўргатилади. Бу, асосан, бошланғич таълимда хусусий ва турдош фанларга оид тушунчаларни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда кечса, кейинчалик таянч синфларда ҳам анча юқори даражадаги билимларни қўллашга замин яратади. Дастрлабки босқичда тушунтириш орқали ўқувчилардан турдош фанга доир билимларни ёдга тушириш талаб этилса, навбатдагисида билимларни бошқасига ўтказа олиш ва мустақил қўллашга ўтибор қаратилади. Шунинг учун иккинчи босқичга билимларни қўллаш босқичи сифатида қаралади. Мақсадга боғлиқ ҳолда умумлаштирувчи – учинчи босқич бевосита оламнинг яхлитлигини тасаввур этишга доир тушунча, далил, қонун ва назарияларни қўллаш, турли фанлардан ўзлаштирилган ходисаларни тушунтиришда диалектиканинг асосий қонунларидан фойдаланишни ўргатиш мақсадига қаратилган.

Бизнингча, бу жиҳатлар ўқитувчилар ишини тартибга солиш, тизимлаштириш, ўқувчиларнинг турли фанлардан олган билимларини қўллаш ва қиёслаш кўнимасини баҳолашга замин яратади.

Адабий таълим вазифаси ўқувчининг бадиий асар ғоявий мазмунини тушуниши ва ўзлаштиришига эришиш билан чегараланмайди, балки шу орқали уларни мустақил ва образли фикрлайдиган, маънавий жиҳатдан баркамол кишилар қилиб тарбиялашни ҳам назарда тутилади. Чунки маданиятли бўлишнинг битта муҳим воситаси бор – ўқиши. Унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ўқиб ўрганмасдан туриб ахлоқий-эстетик камолот ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Аслида ҳар қандай асар устида ишлаш, уни ўрганиш асосида ўша асарнинг ғоявий мазмуни билан ўқувчи маънавий-руҳий ўхтиёжи ўртасида ички боғлиқлик ва мутаносиблик туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

Суюнов Ҳ. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол ва топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усуллари. Пед. фан.ном. дисс-я. –Т., 2005. –125 б.

Давронов, И. Э. Некоторые аспекты интерпретации понятий «задание» и «упражнение» / И. Э. Давронов. Текст : непосредственный // Молодой ученый. – 2012. – № 8 (43). – С. 323–326.

Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Педагогика, 1972. – 576 с.

Розыков О.Р. Теоретические основы оптимального применения системы учебных задач в обучении школьников (на материалах гуманитарных предметов). Автореферат дисс...док. пед. наук. – Тбилиси, – 1986. – 50 с
Ўша жойда.

Розиков О.Р. ва бошкалар. Дидактика. – Т.: Фан, 1997. – 256 б.

Намгоуев Г'. Ona tilidan o'quv topshiriqlari tuzish metodikasi –Toshkent. Donishman ziyosi, 2021. 157 b.

Чўлпон. Адабиёт надир? – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. – 37-б.

Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 225-б.

Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккури ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПУ. –Тошкент, 2000. – 25 б.

Қўчкорова, Мухитдинова

Ҳамроев F. Она тили ўқитишининг самарали усуллари. Ўқитувчилар учун методик кўлланма. –Т.: Баёз. 2018. 18-б.

Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 27-б.

Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг асослари / Global ta'lim va milliy metodika taraqqiyoti. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Toshkent, ToshDO'TAU, 2018. – В. 36.

Чориев А., Чориев И. Педагогиканинг методологик асоси ва илмий тадқиқот методлари. – Тошкент: Nishon noshir, 2016. – 45-б.

Убайдуллаев Н.Х. Ўқув таҳлилида автобиографик битиклардан фойдаланиш. Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... автореф. – Жиззах, 2022. – 23-б.

Йўлдошев Қ.Б. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 77-б.

Карлибаева Г. Ўқитувчи – таълимни фанлараро алоқадорликда ташкил этишнинг етакчиси сифатида // Халқ таълими. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 46-47.